

## **Қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш бўйича ХУЛОСА № 31**

### **I. Умумий маълумотлар**

Хулоса Адлия вазирлигида 2019 йил 19 апрелда 3155-сон билан рўйхатга олинган Қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш методикаси асосида тайёрланди.

#### **1. Лойиҳани тақдим этувчи орган номи:**

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги.

#### **2. Лойиҳанинг номи ва тури:**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Махсус иқтисодий зоналар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш бўйича” қарори лойиҳаси.

#### **3. Лойиҳани ишлаб чиқиш учун асос:**

“Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг ижросини таъминлаш юзасидан.

#### **4. Лойиҳанинг қисқача мазмуни:**

Махсус иқтисодий зоналар тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш.

### **II. Тадбиркорлик субъектларининг асосий гуруҳлари бошқа масъул шахслар ҳамда таклиф этилаётган ҳужжатда давлат органларининг манфаатларига доир масалалар тартибга солинадиган маълумотлар**

#### **5. Ҳужжат билан манфаатлари назарда тутилаётган гуруҳ иштирокчиларининг таснифи:**

**тадбиркорлик субъектлари гуруҳлари** – Махсус иқтисодий зона иштирокчилари;

**давлат органлари гуруҳи** – Инновацион ривожланиш вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон савдо-саноат палатаси ва бошқалар;

**бошқа иштирокчилар гуруҳи муносабатлари** – мавжуд эмас.

**6. Янги ёки амалдаги функцияларга киритилаётган ўзгартиришлар, ваколатлар, мажбуриятлар, имтиёзлар, преференциялар, давлат органлари ҳуқуқлари ва уларни амалга ошириш тартиби тўғрисида, шунингдек, киритилилаётган чекловлар бўйича ҳамда бошқа маълумотлар:**

6.1. Қарор лойиҳасининг 4-бандида Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУКга - махсус иқтисодий зоналарда амалга ошириш таклиф этилаётган инвестиция лойиҳаларининг лойиҳаолди ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш бўйича ваколатли давлат органи вазифалари юклатилмоқда.

6.2. Қарор лойиҳаси билан тасдиқланаётган махсус иқтисодий зоналар тўғрисидаги Низомнинг 13-банднинг учинчи хатбошисида ҳамда ушбу Низом билан тасдиқланиши назарда тутилган Эркин иқтисодий зона ҳудудида инвестициялашни амалга ошириш тўғрисидаги битим лойиҳасининг 7.1.9-бандида инвестиция лойиҳасини фойдаланишга топширилгандан кейин маҳсулот реализация қилишдан тушган соф тушум хажмидан 0,1 фоиз миқдорда махсус иқтисодий зона дирекцияси ҳисоб рақамига ҳар ойлик тўловларни амалга ошириб бориши шартлиги кўрсатилган.

### **III. Рақобатга таъсирнинг таҳлили**

#### **7. Ҳужжатни қабул қилинишининг оқибатлари прогнози**

7.1. Қарор лойиҳасининг 4-бандида Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУКга - махсус иқтисодий зоналарда амалга ошириш таклиф этилаётган инвестиция лойиҳаларининг лойиҳаолди ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш бўйича ваколатли давлат органи вазифалари юклатилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Қонуннинг 9-моддасида махсус иқтисодий зоналар қуйидаги турларда ташкил этилиши мумкинлиги кўрсатилган:

эркин иқтисодий зоналар, махсус илмий-технологик зоналар, туристик-рекреацион зоналар, эркин савдо зоналар ва махсус саноат зоналар.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 21 декабрдаги ПФ-5600-сон Фармонининг талабларига кўра, эркин иқтисодий зоналар ҳудудида инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича маъмурий кенгашлар томонидан қарорлар бизнес-режалар ва техник-иқтисодий асосларга Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУКнинг ижобий хулосаси мавжуд бўлган тақдирда қабул қилиниши белгиланган.

Шу муносабат билан, қарор лойиҳасининг 4-бандидаги “махсус” сўзи “эркин” сўзига алмаштириш лозим ҳисобланади.

7.2. Қарор лойиҳаси билан тасдиқланаётган махсус иқтисодий зоналар тўғрисидаги Низомнинг 13-банднинг учинчи хатбошисида ҳамда ушбу Низом билан тасдиқланиши назарда тутилган Эркин иқтисодий зона ҳудудида инвестициялашни амалга ошириш тўғрисидаги битим лойиҳасининг 7.1.9-бандида инвестиция лойиҳасини фойдаланишга топширилгандан кейин маҳсулот реализация қилишдан тушган соф тушум хажмидан 0,1 фоиз миқдорида махсус иқтисодий зона дирекцияси ҳисоб рақамига ҳар ойлик тўловларни амалга ошириб бориши шартлиги кўрсатилган.

Ўз навбатида, бу талаб махсус иқтисодий зона иштирокчиларнинг молиявий сарф-харажатларини кўпайишига ва натижасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулоти нархини ошишига олиб келади.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунининг 34-моддасига кўра, давлат органларига, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ва бошқа ташкилотларга, шунингдек уларнинг мансабдор шахсларига битимлар тузиш, фойдани тақсимлаш, ижроия органи раҳбарини ва унинг аъзоларини сайлаш (тайинлаш) масалалари бўйича ҳамда тадбиркорлик фаолияти субъектларининг бошқарув органлари ваколатига тааллуқли бўлган бошқа масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш, тадбиркорлик фаолияти субъектларига кўрсатмалар ва бошқа фармойишлар бериш тақиқланади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонуни 12-моддасига асосан давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолиятига оқибатда рақобат чекланиши мумкин бўлган тарзда аралашини тақиқланган.

Шунга кўра, Низомнинг 13-банднинг учинчи хатбошисини ҳамда ушбу Низом билан тасдиқланиши назарда тутилган Эркин иқтисодий зона ҳудудида инвестициялашни амалга ошириш тўғрисидаги битим лойиҳасининг 7.1.9-бандини чиқариб ташлаш зарур.

#### IV.ХУЛОСА

Юқоридагилардан келиб чиқиб, махсус иқтисодий зона иштирокчилари нормал фаолият кўрсатишига қулай шароитлар яратиб бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Махсус иқтисодий зоналар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш бўйича” қарор лойиҳасини **юқоридаги таклифлар ва эътирозларни инобатга олган ҳолда қабул қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.**